

Халқ депутатлари Учкўприк тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди

Халқ депутатлари Учкўприк тумани Кенгашининг навбатдаги тўқсон биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари туман Кенгashi депутатлари, туман ҳокимининг ўринbosарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Сессия ишида Учкўприк туманида 2023 йил ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар якуни ҳамда 2024 йилда туманинги ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаига эга қилиш, шунингдек, белгиланган барча макроиктисодий кўрсаткичларни ортиғи билан таъминлаш дастури юзасидан туман ҳокимининг тақдимоти тўғрисида;

Учкўприк туманида 2023-2024 йилларда куз-қиши мавсумини беталафот ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда келгусида режалаштирилган устувор вазифалар юзасидан 4 та сектор раҳбарининг ҳисоботлари тўғрисида;

Учкўприк туманида 2024 йилда инвестиция, экспорт ва халқаро ҳамкорлик йўналишлари бўйича ташкилот ва корхоналарнинг устувор вазифалари тўғрисида;

“Аёллар дафтари” билан ишлаш тизимининг бешинчи босқичи доирасида Учкўприк туманида хотин-қизлар рўйхатини адолатли шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 январь кунидаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-15-сон фармонининг Учкўприк туманида ижроси тўғрисидаги ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги ҳар бир масала депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди. Депутатлар томонидан берилган саволларга маъruzачилар аниқ мисоллар орқали батафсил жавоб қайтарди.

Сессияда кўриб чиқилган масалалар юзасидан Халқ депутатлари туман Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

2024-02-28 17:48:31